

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЯТ ВА АХЛОҚ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-721-730>

Примов Бахриддин Абдирахмонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ижтимоий гуманитар фанлар
кафедарси докторанти ф.ф.б.ф.д., (PhD)

primov.baxriddin@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборотлашган бугунги даврда юзага келатган жамиятдаги манавий-ахлоқий ҳаётга зарар етказувчи турли интернетдаги бузғунчи гоёларга қарши фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шунингдек, инсон ва унинг онгига, ҳиссиётларига таъсир этувчи эмоционал ҳолатидан фойдаланиб бадном этувчи тасвирлар ва беҳаё лавҳаларнинг оммалашишига олиб келатгани ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: ахборот, жамият, инсон ҳуққи, маънавият, ахлоқ, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, генатцид, “оммавий маданият”, турли хил таҳдидлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье собраны мнения и комментарии против различных деструктивных идей в Интернете, наносящих ущерб духовно-нравственной жизни общества в современный информационный век. Используя эмоциональное состояние, воздействующее на человека и его разум и эмоции, он подчеркивает, что клеветнические образы и соблазнительные образы ведут к популярности.

Ключевые слова: информация, общество, поведение человека, духовность, нравственность, религиозный экстремизм, терроризм, торговля наркотиками и людьми, незаконная миграция, геноцид, «массовая культура», различные угрозы.

ABSTRACT

This article contains opinions and comments against various destructive ideas on the Internet that damage the spiritual and moral life of society in the modern information age. Using the emotional state that affects a person and his mind and emotions, he emphasizes that slanderous images and seductive images lead to popularity.

Keywords: *information, society, human behavior, spirituality, morality, religious extremism, terrorism, drug, human trafficking, illegal migration, genocide, “mass culture”, various threats.*

КИРИШ

Узоқ тарихий ривожланиш жараёнидан маълумки, инсоният яшаётган муҳитни, маънавий-ахлоқий ҳаёт ҳамда жамият, ўзини ва атрофдагилани ўзгартириш учун доим зарур янги ахборотларга эҳтиёж сезади. Яна ҳам тушунарли қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётда ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун унга янгидан-янги ахборот зарур бўлади. Шундай экан жамият маънавий-ахлоқий ҳаёти кундалик ўзгариб турувчи ижобий ва салбий характерга эга. Бугунги ахборотлашган даврда маънавият ва ахлоқ жамият тараққийотининг барча замон ва даврларида муҳим восита бўлиб хизмат қилган ва қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ахборот ривожланиши босқичлари нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ахборот муҳум функционал хусусиятларга эга, деб эътироф этишади. Баъзи бир дунёдаги тадқиқорчилар ахборотнинг табиатдаги ва жамиятдаги нарсалар хусусият сифатида таърифлашмоқда (Б.Ахлибининский, Л.Баженов, Б.Бирюков, К.Морозов, И.Новик, Л.Петрушенко, А.Урсул, О.Файзуллаев, М.Абдуллаева, Р.Имомалиева, И.Саифназаров, С.Сангинов, Б.Тўраев, Б.Каримов, Г.Ғаффарова, Э.Иззетова, А.Тулупов, М.Ёқубова, Ф.Усмонов, Муҳаммад Амин Яҳё ва бошқалар).

Ахборотлашиш ва ахборотлаштириш жараёнларига оид муаммолар билан шуғулланган бир қатор хорижлик олимлардан Д.Белл, О.Тоффлер, М.Кастельс, У.Ростоу, П.Дракер, Дж. Гелбрейт, В.Иноземцев, Ф.Уэбстер, А. Чернов, Р.Абдеев, И.Мелюхин ва шу каби шахсларни алоҳида қайд этиш лозим. Бу олимлар жамиятни ахборотлашиш масалаларига эътибор қаратиб “ахборотлашган жамият” ва “постиндустриал жамият” концепцияларининг синоними сифатида тадқиқ этиш билан бирга ахборотга умумижтимоий ва фалсафий масала, деб қарашган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсонлар ва жамият ҳаётида ахборот, маънавият ва ахлоқнинг ўзаро боғлиқлигини тушунишда асосий аҳамиятга эга. Маънавият ва ахлоқ инсон

хулқининг ҳамда жамият қадирятининг муҳим манбаи ҳисобланиб, у олинаётган ёки тарқатилиётган ахборотга боғлиқ бўлади.

ОАВ орқали узатилаётган ахборот инсон онги ва ҳиссиётларига таъсир этишининг икки модель-усули билан амалга оширилади:

1. Рационал модель-демократик ҳуқуқий қонун-қоидаларга асосланган давлатларда рационал қонунлар усули устунлик қилиб, у инсонларни ахборот тарқатиш, далилар тақдим этиш, мантиқий ҳамда инсон табиий эҳтиёжнинг ҳуқуқий қоидалари билан исботлаш орқали ишонтиради. Бу давлат ва жамият тамонидан тан олинади, инсоний-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий мезонлар сифатида тақдим этилади.

2. Ҳиссий таъсир усули – психологик ишонтириш усули ҳисобланиб, бу кўр-кўрона фанатизм, ижтимоий-сиёсий рақибларга, бошқа халқ ва миллат вакилларига ишончсизлик эътирозининг намоён бўлиши, нафрат ва ғазаб уйғотиш учун қўлланилади. Бундай ҳиссий таъсир кўпинча мантиқий-ақлий далиллар ва исботлардан ҳам кучли бўлиши мумкин. Бунда яқка авторитар, тоталитар тизимлар ва айниқса устунлик қилувчи этнографик тарғиботлардан кенг фойдаланади. Айниқса шундай ижтимоий-сиёсий ташвиқотлар инсон ва ёшлар онгини эгаллаб ҳиссий таъсир мазмун билан тўлдирилади. Аммо, шахс ва жамият кундалик ҳаётидаги муносабатларни ақлий ҳамда ижтимоий, маънавий-ахлоқий мезонлар ва муносабатлар доирасида белгилаб олиши, тартибга солиниши муҳим ҳисобланади. Ҳиссий таъсир доираси қанчалик кучли аҳамиятга эга бўлмасин, унинг сиёсий таъсири ОАВлари тарқатилади, ахборотлар орқали узатилади ва рўй беради. Ахборот узатиш, олиш, саралаш, таҳрирлаш ва тарқатиш бу жараённинг асосий босқичларидан биридир.

Бундан ташқари ахборотнинг жамият сиёсий онгга ижтимоий тармоқлар ва ОАВлари таъсирининг асосий 3 та модели ҳам мавжуд:

1. Минимал таъсир
2. Максимал таъсир
3. Тесқари таъсир моделлари

Шу ўринда ана шундай модель-усуллар таъсирида жамиятдаги фуаролар ўзларини турли хил тарзда тутди. Ахборот технологиялари тараққий этган даврида сиёсий таъсирга оид ахборотларни яратиш ва тарқатишда ўз аудиторияга эга ОАВнинг инсонлар сиёсий онгга ўзаро таъсир кучида қайси типи етакчилик қилишини эътиборга олиш керак.

Жамият ҳаёти тараққиёти барча босқичларида миллий ва диний қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий мезонлар ишлаб чиқилган ва

улардан фойдаланиб келган. Маълумки, ҳар қандай жамият ривожланиши учун ахборот ҳар қачонидан ҳам зарур восита бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам ахборот олиш ва у орқали билим олиш энг муҳим ҳаётий зарурат ҳисобланган. Ахборот, маънавият ва ахлоқ бир-бирларига бўйсунувчи ҳамда тўлдирувчи тушунча ҳисобланади. Яъни, ахборот инсон ва жамият маънавий-ахлоқий ҳаётини бойитади, уни гоҳ ижобий, гоҳ салбий томонга ўзгартиради. Жамият ижтимоий турмуш-тарзи тараққиёти асосида мулоқотларни амалга ошириш учун ахборотга таянилган. Тараққилаётган ахборотлар замирида ахлоқ энг муҳим восита бўлиб хизмат қилмоғи, ахлоқсизлик тарғиботи ёт аҳамиятга айланмоғи лозим. Шунингдек, “Ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омиллар бўлиб, бу билимларни қайта баён этиш”[1] шакли ҳамдир.

Жамиятда инсонлар маънавият ва ахлоқнинг маъно, мазмун ва моҳиятини билмасдан ҳамда англаб етмасдан туриб уни тушуниб бўлмайди. Шунинг учун ҳам англаб олинган ахлоқ кейинги босқичда тушуниш ва кўникма ҳосил қилиш ҳолатига ўтади. Инсон, ахлоқий мезонларни мувозанат тушуниб етгач, амалда тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида фикр билдиради. У орқали билим ва тажриба орттиради. Ўзлаштириб олинган билимларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига, ҳаётий ҳошишга, инсоннинг орзу-ниятларга мос тушса, ана шунда билимларни турмушга татбиқ истаги ҳосил бўлади. Ахборот замирида билим ва тажрибалар, дин ва кадриятлар, илм-фан ва технологиялар ютиғи тараққиёт раванқ топади.

Ахлоқ эпистемологик томондан қаралганда объектив мазмун-маънога эга бўлиб, у ҳақиқатнинг моҳиятини эътиқотлар нуқтаий назаридан англашда ёрдам беради. Маънавий ва ахлоқий жараёнлар тўғри анланса ва танланса, эзгу мақсад орқали фаолиятга татбиқ қилнсагина, субъектив моҳият касб этади. Асосланмаган ахлоқий кадриятсиз ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди. Бироқ, ихтиёр эркинлиги ахлоқий танлов бундан ҳоли бўлиб, онгли ижобий ҳаракатни вужудга келтирган, умумжамоага ва инсонларга манфаат олиб келган ахлоқгина фойдали ва самарали характерга эга бўлиб, ана шунда маънавий кадрият ва ахлоқ ўзаро уйғунлашади.

Жамиятда тўлиқ ахборотни эркинлаштириш ва ўзаро сензурани шакллантириш жамият ва давлат ўртасида илиқ муносабатларнинг амалга ошиши одамларга ижодий яратувчилик қобилияти, фикрлар юксалишига имконият яратади. Ахборот жамият белгиланган ахлоққа ва шахсий ахлоққа асосланади, ахлоқ тараққилаётган ахборот ижобий ва салбий таъсирига қараб

ва ахлоқ жараёнлари меъзонларига асосланади. Инсон туғулиши билан маънавиятли ёки ахлоқли бўлиб қолмайди. Уни ижтимоий ҳаёт ва муҳит тарбиялайди. Шунинг учун маънавият ва ахлоқ ҳаёт жараёлар натижасида амалий фаолият сифатида вужудга келади. Инсоннинг онгили фаолияти орқали олинган ахборотлар таҳрир этилади. Ўрганиши ва билиш натижасида орттирилган билимлар, билиш жараёнида узвий ва узок давом этадиган, мураккаб ва зиддиятли воқелик бўлиб, у билмасликдан билиш сари такомиллашиб, ривожланиб боради.

Бугунги кунда тарқатилаётган ахборотларнинг муттасил ошиб бориши жамиятдаги инсонларонги ва қалбига таъсир этувчи маънавий ва ахлоқий муаммоларни асосий ўринга чиқмоқда. Кундан-кунга шиддатли такомиллашиб бораётган ахборот инфор­мацион-телекоммуникация технологияларнинг инсоният ҳаёти жараёнларидаги таъсири ахборот олишда ахлоқий муносабатларини тўғри амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай экан ахборот жамият ва инсоният маънавий-ахлоқий тузилмасини ўзгартириб тўлдириб юксалтиради, ёки уни таназзул сари етаклайди. Биз буни қисман шу билан изоҳлаймизки, маълум бир даражадаги ахборот ахлоқий номаларга асосланди ё аксинча. Масалан, ОАВ ва интернетдаги кўрсатувлар, видео лавҳалар, кинолар инсонлар маънавий-ахлоқий қадриятига мос тушиши ёки тушмаслиги мумкин. Шунинг учун ахборот тарқатиш ва олиш жараёни янгилик ҳисобланиб, бу жамоатчилик фикрини ўрганиш учун керакли маълумот бўлиб хизмат қилади.

Инсон ижтимоий ҳаёт турмуши тарзи асосида ахлоқ ётади, яъни у мавжуд ижтимоий-ахлоқий қадриятларни амалга ошишини таъминлайди ва ҳаракатлантиради. Шунингдек, “сезги депривацияси” деган ахборотнинг йўқлиги кишига салбий таъсир кўрсатади [2]. Ҳозирда тарқатилаётган ахборотлардан, ўз навбатида, муассасалар ва ташкилотлар зарур маълумот сифатида фойдаланиши мумкин.

Демак, кун сайин ривожланиб бораётган ахборот манбасига бўлган таълаб, ахборот тўплаш технология воситалари орқали уни қайта ишлаш ва символик коммуникация тизими билан боғлиқ. Жамият ривожда ахборот ва маънавият, ахборот ва ахлоқ доимо муҳим ўринга эга. Лекин мазкур ахборотлашган жамиятда маънавият ва ахлоқнинг ижобийлик томон ривожланиб бориши ахборотнинг таъсири даражаси манбаи сифатида тадқиқ этилади.

Ҳозирги ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқлар жуда катта ҳажмидаги маълумотларни йиғиш имконини ҳам беради. Бу замонавий илм-фан ютиқлари ошиб боришига ва технологиялар такомиллашишига таъсир кўрсатади.

Биз яшаётган ҳозирги ахборотлашган жамият инсоният ҳаётидаги ҳозирча энг сўнгги тамаддунидан бири бўлиб, унинг энг зарур маҳсулоти ахборот ва тафаккурдир. Тафаккур орқали ижобий тараққий эттиришга қаратилган ахборот одамни ахлоқий тубанлашишига эмас, балки бойиши ва эзгулик учун интеллектга хизмат қилиши керак. Эътибор қаратадиган бўлсак, дунёдаги кўплаб маблағ эгалари айнан интеллект эвазига бойлик орттиришмоқда. Ахборотни олиш, таҳрир этиш ва узатиш орқали бир кеча-кундузда миллиардлаб маблағ айланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ахборот жадаллашувининг кучайиши натижасида ОАВ, интернет, ижтимоий тармоқлари ва сайтлар орқали йўналтирилган чексиз маълумотлар орқали маҳсулотлар рекламасини йирик сармоядорлар, корхона ва фирмалар эгалари харидорларни оҳанрабодек чорлаб, эътиборига ҳавола этиш натижасида “Интеллектуал мулк” ва “Сунъий интеллект” эгалари Илон Макс (SpaceX ва ҳ.к.), Жефф Безос (Amazon), Билл Гейст (Microsoft), Ларри Пейж ва Сергей Брин (Google), Жек Ма (Alibaba), Марк Сукерберг (Facebook-Meta), Стив Джобс (Apple), Павел Дуров (Telegram) шу каби асосчиларни миллиардерга айлантirdи.

Ҳозида юртимизда, «ёшлар ўртасида «Одноклассники» - 32,6% (2017 йилда 54,4%, 2016 йилда 71,1%), «Facebook» - 44,5%и (2017 йилда 46,7%, 2016 йилда 53,5%) каби ижтимоий тармоқлар энг машҳурликка сазовордир. Қуйидаги ижтимоий тармоқлар кенг машҳурликка эга эмас: «Мой мир» - 9,3% (2017 йилда 15%, 2016 йилда 16,7%), «в Контакте» - 12,8% (2017 йилда 12,1%, 2016 йилда 10,7%), «TWITTER» - 4,8% (2017 йилда 8,1%, 2016 йилда 9,1%), G+ - 12,3% (2017 йилда 7,4%, 2016 йилда 9%), «My space» - 3,1% (2017 йилда 22,9%), Instagram – 16,3%, Телеграмм – 36,6%, Imo – 3,5%...»[3] каби мавжуд.

Америкалик иқтисодий сиёсатчилар жамият ахборотлашувининг бир қатор муҳим устин кўрсаткичларини санаб ўтишган. “Ахборот маҳсулотлари (оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари, маданиятнинг турли кўринишлари ва ҳоказо) бора-бора ялпи ички маҳсулотлар (ишлаб чиқариш саноати, агросаноат, нефть ва металлургия) келтираётган умумий даромаддан ортиб кетади” [4].

Кескин ўзгариб бораётган замонавий илғор илм-фан, техника ва технология тараққиёти ютуқлари инсонлар тасаввурининг кескин ўзгаришига

олиб келди. Инсонлар яшаш шароити ва имкониятлари “сунъий инелект технологиялари жорий этилиш орқали (технократиялашиб)”, кенгайиб, инсонлардаги ўзаро меҳир оқибат йўқолиб, ўзини ўзи ўзи кўпроқ ўйлай бошлади. Азалий кадриятлар орқали боғланиб кетган кўнгил ришталарини бирма-бир узоқлашишига олиб келаётган “оммавий маданият” тарғуботи остида инсониятга “инсон дунёга бир марта келади, ўзинг учун ўзинг яшаш, бровни ўйлама, ўзингни ўйла”, “сенинг ҳаётинг, сенинг вақтинг”, “имкониятинг кели ундан фойдалан” деган қарашларни орқали инсонлардаги илиқ туйғуларни салбий томонга ўзгаришига сабабчи бўлмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқ ва демократияси сифатида улуғланмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – ҳозирги кун сайин шиддат билан ўзгараётган дунё жамият олдида, инсонлар олдида янги-янги имкония ва уфиқларни очиш билан бирга, уларни илгари тасаввурига сиғдирмаган турли ёвуз ташкиллаштирилган хавф-хатарларга тушиб қолмоқда. Бунга нафақат инсон бутун бир жамият ва давлатлар ҳам тортилмоқда.

Турли диний экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик ва одам савдоси, ноқонуний миграция, генатцид ва “оммавий маданият” каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар ҳамда мамлакатлар ҳаётга кулфатлар олиб келмоқда. Ғаламус кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган гўр ёшларни ўз юртига, ота-онаси қарши кўйиб, уларнинг ҳаётига зиён етказмоқда ва зомин бўлмоқда. Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз ва мураббийлар, жамоатчилик аҳли ва маҳалла-кўй ҳамада кўни-кўшнилар ушбу масалада огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, “бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бараётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб бориш зарур”[5].

Бугунги имкониятлари кенг ахборотлашган даврда ва реал виртуал оламда яшаётган инсонлар киберодамга (робот) зомбига айланиб, ён атрофига, жамият аъзоларига, юртига, азалий кадриятига ва тарихига, ўз маънавий-ахлоқига, фикр ва онгига шунингдек, келажак ҳаётига лоқайт ва бепарво бўлиб бораётгани, ўз ҳақ-ҳуқуқини ўзи паймол қилаётгани ачинарли ҳолдир. Интернет виртуал олами шахсни бўйсиндиришга ва манипуляция қилишга, яъни фикрий онгсизлик орқали ўзига тобе этишга олиб келмоқда. Ҳозирда ОАВларини ҳам ортда қолириб брендга айланган Интернет тизими орқали бир зумда дунёнинг у қитаъсидан бу қитаъсига айланиш мумкин. Айниқса бу тизим орқали ёшларнинг шунчаки қизиқишига кўра, порнографик, танишув

сайтларига кириб ёки онлайн кузатув ва ўйинлар орқали кун ўтказаётган, ҳаттоки уяли алоқалар орқали кираётган интернетни сеvimли машғулотига айлантириб олаётган ёшлар одамови, лоқайд, ўз оламида ўзини ва ёлғизлигини хуш кўрадиган, худбин, жиззаки, такаббур бўлиб бораётгандек туюлади. Кўпинча дунё олимлари интернет ва компьютер воситалари инсон психикаси, соғлиғи ҳамда миллий маънавиятига салбий таъсир ўтказишини таъкидлашмоқдалар. “Бошқа касалликлар каби «internetукус (юкумли)» мавжудлигини қайд этишмоқда. У кимор ўйини каби юқиб, кишини ён-атрофдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб қўяди.

Маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 5 фоизга яқини шундай хасталикка чалинган” [6]. Чунки интернетдаги ижтимоий тармоқлар ва сайтлар кишини реал воқеликдан узоқлаштириб уни ғайриинсоний маконда «яшаш»га ўргатади. Ушбу маконда у ўзига ёққан жинс вакили билан мулоқот қилиши, истаган инсонни севиши ёки ундан жуда каттиқ нафратланиши мумкин. Мавжуд реал ҳаёт эса ўз ҳиссиётлари ва истакларини эмас, балки ён-атрофингдаги инсонларнинг ҳолатини ҳисобга олишга мажбур қилади. Ҳатто интернетда “виртуал оила куриши”, “эр-хотин” бўлиб яшаш мумкин. У инсоний муносабатларга асосланган оила куришдан кўра осонроқ ҳамда “виртуал никоҳ”дан ўтиб “интернет оила”да маъсулиятсиз яшашга қулайроқ. Чунки “виртуал оила”да мавжуд реал оилада дуч келадиган қийинчиликлар, ташвишлар ва мураккабликлар йўқ. Шунинг учун интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланган давлатларда инсонларни интернет тузоғидан халос қилишга қаратилган психологик ва рухий даволаш марказлари юзага келмоқда.

“Ахборот асри” деб номланаётган ҳозирги ХХI аср ахборот технологияларининг ривожланиши маълумотлар олишда, ахборот узатиш ва алмашишда энг арзон, қулай воситага айланди. Интернет тизимининг ривожланиши инсониятни ақл бовар қилмас мафкуравий кураш жараёнларда янгича онг ва ақл уруши турларининг пайдо бўлишига олиб келди. Лекин бу тармоқда биз кутганимизданда кўп ақилбовар қилмас жиҳатлар борки инсон онги ва қалбини аралаш-қуралаш қилиб, оқ билан қора, эзгулик ва ёвузлик тўқнаш келадиган кибер маконга айланиб улгурди.

Бугунги жамиятимиздаги баъзи бир инсонлар ахлоқсизликни ўзлари хуш кўрган маданият деб билиши, асл миллий-маънавий ва диний қадриятларимизга ҳурматсиз қилиб, эскилик сарқити деб билувчилар ҳам борки булар, айниқса, ёшлар тарбиясига баъзан ақлирасо инсонлар ҳаётига ҳам жуда катта хавф туғдирмоқда. Дунё жамоатчилик аҳли тарқалиб бораётган бундай маънавий-

ахлоқий бузуқликка қаратилган хуружларга нисбатан қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳар қачонидан ҳам зарур эканлигини тобора чуқур англаб етмоқда.

ХУЛОСА

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анаъна ва қадриятлари, ёшларимизга нафақат, катталаримизга ҳам ўрнак бўла оладиган одоб-ахлоқ, ибодат-ҳаё, ор-номус, дин ва диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас бўлагига айланиб улгурган. Ҳеч кимга сир эмаски ҳозирда ОАВ, интернет ва ижтимоий сайтлар беҳаёликни тарғиб қилувчи рекламалар ва видеолар билан тўлиб тошмоқда ҳамда маънавий ва диний қадриятлардан инсонларни узоқлаштиришга уринмоқда. Айниқса, уяли воситалар орқали инсонларнинг эмоционал ҳолатидан фойдаланиб уларни бадном этувчи тасвирлар ва беҳаё лавҳаларнинг оммалаштиришга олиб келаётгани ҳақли равишда кенг жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Бундай хатарли ҳолатларга тушмаслик учун ҳар бир инсон маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўзини тута олиши керак. Ҳатто динимиз ҳам бундай жирканч ишлардан инсонларни қайтаради. Зеро, инсон азиз унинг одоби бебаҳо неъматдир. Шунинг учун биз доимо оилада одоб-ахлоқ ва таълим-тарбияни яхши йўлга қўйишимиз, жондан азиз суюкли фарзандларимизни зарарли ҳамда бузғунчи интернет тузоғидаги ёвузликларидан асрашимиз керак.

REFERENCES

1. Давронов З. Илмий ижод методологияси. -Тошкент: Иқтисод-молия, 2007. 180-бет.
2. Чирченко О.Н. Информационные аспекты компьютеризации. М., 1989. - С.8.
3. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2018 йилда ўтказилган «Ўзбекистон ёшлари: ҳаётини қадриятлар, ахлоқ, ижтимоий йўналишлар» мавзусидаги социологик тадқиқот натижалари асосида тайёрланди.
4. Холов З. Дунёни ахборот бошқаради // Маърифат, 2008 йил 19 ноябрь.
5. Ш.Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” Тошкент-“Ўзбекистон”-2018 495-496 бет.
6. Журенков К. Internetукус-заразный // Психология зависимости. - Минск, Харвест, 2004. -С.135-151.

7. Саифназаров, И., Обидов, А. (2019). Динлараро ҳамжихатлик - ижтимоий барқарорлик омили. - Тошкент : Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, - 142 б.
8. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sulstonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
9. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
10. Саифназаров, И. (2019). Толерантлик—комил инсон белгиси. Архив научных исследований.
11. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
12. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g’iyosiyot” qo’lyozma asarida aql va e’tiqod masalasining qo’yilishi va uning diniy-falsafiy germevntik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.